

## ТОЛЕРАНТЛИК – ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТЧИЛИК ТАРАҚҚИЁТИНИНГ АСОСИЙ ШАРТИ

*Саифназаров И.С.,  
ТДИУ профессори, фалсафа фанлари доктори,  
Дониёров Х.Т., докторант*

XXI аср бошларига келиб, иқтисодий, сиёсий, маданий ва ахборот соҳаларидаги ўзаро яқинлашув, мулоқот ва таъсир ўзининг юқори нуктасига етди. Ислом мафкурасининг нафақат мусулмон дунёсида, балки ундан ташқарида ҳам таъсирининг тобора ўсиб бораётганлиги шундан далолат бермоқда. Иқтисодий, сиёсий ва маданий муносабатларнинг глобаллашуви сифатида дунёдаги ижтимоий жараёнларга ислом мафкурасининг таъсири ортиб бораётганлиги яққол кўзга ташланмоқда. “Биз бутун жаҳон жамоатчилигига ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини етказишни энг муҳим вазифа, деб ҳисоблаймиз. Биз муқаддас динимизни азалий қадриятларимиз мужассамининг ифодаси сифатида беҳад қадрлаймиз. Муқаддас динимизни зўравонлик ва қон тўкиш билан қаторда қўядиганларни қатъий қоралаймиз ва улар билан ҳеч қачон муроса қила олмаймиз. Ислом дини бизни эзгулик ва тинчликка, асл инсоний фазилатларни асраб-авайлашга даъват этади”<sup>1</sup>. Бу вазиятда дунёвийлик ва динийлик мувозанатини таъминлаш долзарб масалалардан бири сифатида кун тартибига чиқиши табиийдир. Масаланинг ўзига хослиги шундаки, жамиятда толерантликни, жумладан диний бағрикенгликни таъминламасдан туриб, дунёвийлик ва динийлик мувозанатини таъминлаш мумкин эмас.

Толерантлик ижтимоий барқарорликни таъминлаш учун асос бўлиб хизмат қилади. Чунки бағрикенглик серқирра, айти пайтда плюралистик феномен бўлиб, ўзаро диалектик боғлиқ бўлган жуда кўп намоён бўлиш шаклларига эга. Тоқат, сабр, тинчликсеварлик, муроса, дўстлик, ҳамжиҳатлик, ишонч, ҳурмат, тушуниш, билиш, англашга интилиш ва бошқа шу каби ахлоқий фазилатлар ҳамда онгли интилишлар шулар жумласидандир. Давлат ва жамият даражаларида намоён бўладиган бағрикенглик ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туришини таъкидлаш жоиз. Хусусан, демократик давлатда ирқи, миллати, дини, тили, ижтимоий келиб чиқиши ва бошқа фарқловчи белгиларидан қатъи назар барча фуқаролар учун қонун асосида тенг ҳуқуқ, мажбурият ва имкониятлар ҳуқуқий кафолатланади. Бундан ташқари давлатнинг бағрикенг муносабати ҳар бир инсон ва ижтимоий гуруҳнинг иқтисодий фаровонлиги ва ижтимоий ривожланиши учун зарур

---

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2.-жилд Т.: Ўзбекистон НМИУ, 2018.- 253-бет.

шарт-шароитларни яратиш, шунингдек, миллат ва дин вакиллариغا нисбатан тоқатсизлик, ҳурматсизлик ва таҳқирлашларнинг олдини олишга қаратилган тизимли ишларни мунтазам равишда олиб боришда яққол намоён бўлади.

Тараққиётнинг асосий омилларидан бири бўлган бағрикенглик борасида 1995 йил 16 ноябрда БМТ тизимида Фан, таълим ва маданият соҳасида ихтисослашган ташкилот (ЮНЕСКО) бош конференциясининг 28-сессиясида “Бағрикенглик тамойиллари Декларацияси” қабул қилинди.<sup>2</sup> Декларацияда ирқи, жинси, келиб чиқиши, тили, динидан қатъи назар бағрикенгликни тарғиб этиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига ҳурмат билан қараш каби мажбуриятлар белгилаб қўйилган.

Ўзбекистонда қадимдан турли цивилизация вакиллари, маданий қатламлар, хилма-хил эътиқод ва дунёқарашлар ёнма-ён яшаб келган. Маълумотларга кўра, бундан юз йил аввал мамлакатимиз ҳудудида 70 га яқин миллат вакиллари истиқомат қилган. 1926 йилда юртимизда 90 миллат ва элат яшаган бўлса, 1959 йилда уларнинг сони 113 тага, 1979 йилда 123, 1989 йилда эса 130 тага етган эди. Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритганидан сўнг нафақат мамлакатга ном берган ўзбек халқи, балки шу муқаддас заминда истиқомат қилаётган турли миллат вакиллариининг ҳам миллат сифатида сақланиб қолиши ва ривожланиши учун тенг шароит ҳамда имкониятлар яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратди. Жумладан, Президент Шавкат Мирзиёев томонидан 2017 йил 19 майда кўпмиллатли диёримизда тинчлик ҳамда осойишталикни сақлаш ва янада мустаҳкамлашнинг муҳим омили бўлган миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатликни таъминлаш, мамлакатимизда истиқомат қилаётган турли миллатга мансуб аҳолининг маънавий-маданий эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган миллий-маданий марказлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳамда миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш мақсадида “Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5640-сонли фармон имзоланди<sup>3</sup>. Ушбу фармонга кўра, Республика байналмилал маданият маркази ва дўстлик жамиятларининг Марказ негизида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил сентябрь ойида Нью-Йорк шаҳрида бўлиб ўтган БМТ Бош Ассамблеяси 72-

---

<sup>2</sup> Declaration of Principles on Tolerance. The Member States of the United Nations Educational, Scientific and Cultural Organization, meeting in Paris at the twenty-eighth session of the General Conference, 16 November 1995.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5640-сон фармони. 2017 йил 19 май.

сессиясида “Маърифат ва диний бағрикенглик” номли махсус резолюцияни қабул қилиш ғоясини илгари сурди ва ушбу резолюция 2018 йил 12 декабрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг ялпи мажлисида қабул қилинди<sup>4</sup>. Махсус резолюциянинг қабул қилиниши натижасида энди БМТга аъзо давлатлар таълим муассасаларида диннинг инсонпарварлик моҳияти тарғиб этилади. Ҳар бир аъзо давлат бу борада ўзига мажбурият олади. Ушбу давлатларда бундан буён дин ҳеч қандай зўравонлик билан бир сафга қўйилмайди. Экстремизм, терроризм сўзлари дин билан боғланмайди. Чунки Президентимиз 72-сессияда айтиб ўтганидек, ислом терроризмни қоралайди ва исломни биз терроризм билан боғлашимиз мумкин эмас. Шундай экан, баъзи давлатларда исломга терроризм либосини кийдиришга ҳаракат қилинаётган бир пайтда ушбу резолюция келгусида барча мамлакатларга маърифат билан ва диний бағрикенгликни ривожлантириш орқали дунёда тинчликни сақлаб қолиш мумкин, деган шиор илгари сурилади.

Умуман олганда, мамлакатимизда маърифат асосларини янада мустаҳкамлаш, диний бағрикенглик анъаналарини барқарор давом эттириш билан боғлиқ масалаларга бундай ўзига хос дифференциал ёндашув, шубҳасиз, мамлакатимизда асрий анъаналарга эга бўлган бағрикенглик муҳитини ривожлантириш йўлидаги муҳим қадам бўлди. Халқимиз онгида минг йилликлар мобайнида шаклланган бағрикенглик ҳамда юксак илму маърифат анъаналари бугунги кунда конфессиялараро соғлом мулоқотни барқарорлаштириш, динийлик ва дунёвийлик мувозанатини таъминлашга мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилмоқда.

---

<sup>4</sup> <https://www.un.org/en/ga/73/resolutions.shtml/> Resolution adopted by the General Assembly on 12 December 2018/ [without reference to a Main Committee (A/73/L.52 and A/73/L.52/Add.1)]/ 51st plenary meeting 12 December 2018